

## БАДИЙЛИК АСАРНИНГ БОШ КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

Охунова Гўзалхон Хамдамбек кизи

ФарДУ мустақил изланувчиси

e-mail: [ergasheva\\_93@list.ru](mailto:ergasheva_93@list.ru) телефон: +99895 116 06 29

**Аннотация:** Мазкур мақолада асосан бадиий асар поэтикасини ўрганиш масалаларига ургу берилган. Поэтика ва бадиийликнинг ўзига хос хусусиятлари, мезонлари, модуслари адабиётшунос олимлар фикрлари асосида умумлаштирилиб, илмий хулоса қилинган.

**Калит сўзлар:** поэтика, бадиийлик, модус, тил бадиияти, образлик.

Бадиий асарнинг поэтик хусусияти, албатта, унинг бадиийлик мезонлари билан ўлчанади. Насрнинг ихчам жанри ҳикоя поэтикаси хусусида адабиётшунос Х.Дўстмуҳаммад шундай муносабат билдиради: “Мавзу, сюжет, конфликт, қаҳрамон, тил, оҳанг, услуб, деталь, кульминация, ечим...буларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш орқали ҳикоя

санъати, поэтикаси ҳақида мароқли мулоҳазалар билдириш, умумлашма хулосалар чиқариш мумкин. Чунки мазкур соф адабий-бадиий унсурларнинг бари бадиий тафаккур ҳодисалари, ижодкор бадиий тафаккурининг «хомашёлари», ҳосилалари ҳисобланади”.

Ҳақиқатан ҳам насрда поэтика масаласи бадиийликнинг кўп қирраларини ўз ичига олади. Булар мавзу танлашдан бошлаб то бадиий тафаккурнинг энг майда жиҳатларигача бўлган ижод маҳсулини камраб олади. Мавзу, сюжет ва композиция бадиий асар поэтикасини ўрганишда айнан ёзувчи асарларида бўртиб турган муҳим масалаларни тадқиқ этишга

қаратилади. Ҳар бир тадқиқотчи ўзи ўрганаётган объектидан келиб чиққан ҳолда поэтиканинг маълум бир қисмини назарий асослайди. Шу ўринда бадиий асар поэтикаси – бадиияти масалаларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Зеро мавзуимиз ҳикоялар поэтикасини ўрганишга қаратилган экан, аввало, мазкур атаманинг моҳиятини англаб олмақ лозим.

Назарий адабиётларда поэтика терминига оид турли қарашлар ва фикрлар келтириб ўтилган бўлиб, луғатдаги изоҳга кўра, поэтика атамаси қуйидагича ифодаланган: “Поэтика кенг маънода умуман, адабиёт назариясини англатади. Тор, оммабоп маънода “адабиёт назариясининг услуб, сюжет, шеър тузилиши масалалари қўриладиган бўлими. Кўпинча мазкур термин бадиий ижоддаги жанр, услуб, алоҳида ёзувчининг ўзига хослигини ўрганишда қўлланилади”.

“Поэтикани умуман адабиёт, сўз санъати ҳақидаги фан – адабиёт назарияси маъносида тушуниш антик даврлардан анъанага айланган. Поэтикани тор маънода – адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш ХХ асрнинг илк чорагидан бошлаб қарор топган”. В.М.Жирмунский поэтикани “адабиётни санъат сифатида ўрганувчи фан” деб таърифлайди. Унинг фикрича, эстетик объект ва эстетик кечинма хусусиятларини белгилаш алоҳида фан бўлмиш поэтика доирасидан ташқарида, поэтиканинг вазифаси эстетик объект – адабий асар структурасини

ўрганишдир. “XX аср ўрталарига келиб, поэтикани адабиёт назариясининг таркибий қисми сифатида тушуниш тўла қарор топди, дейиш мумкин. Айни шундай талқин, одатда, кўпчилик томонидан эътироф этилган қарашларни акс эттирадиган энциклопедик луғатлар, ўқув адабиётларидан жой олгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, В.М. Жирмунский ўқув қўлланмасида: “Сўз санъатининг умумфалсафий, эстетик асосларини адабиёт назарияси ўрганади. Поэтика эса адабиёт назариясининг асосий хулосаларига таянган ҳолда поэзия фойдаланадиган ифода воситалари системасини ўрганади”, деб ёзади, у адабиёт назарияси ва поэтиканинг вазифалар доирасини аниқ чегаралаб, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини таъкидлайди. Ўтган аср ўрталарида чоп этилган 6 жилдлик “Қисқача адабиёт энциклопедияси”да эса поэтикага “адабий асарларнинг қурилиши ва уларда фойдаланиладиган эстетик воситалар системаси ҳақидаги фан”, дея таъриф берилган.

Юқоридаги таърифларни ўрганган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бадий наср поэтикаси ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳати, табиати, тузилиши, ифода имкониятларини намоён этади. Асарнинг ўзига хослиги, энг аввало бадийликда намоён бўлади.

Англингандек, бадийлик ҳар қандай асарнинг бош мезони, санъатнинг барча турларини бирлаштириб турувчи муштарак хусусият бўлиб, бу хусусият санъатнинг ҳар бир турида ўзига хос воситалар орқали намоён бўлади. Жумладан ҳикояда ҳам.

Баҳодир Саримсоқов “Бадийлик асослари ва мезонлари” номли китобида адабиёт назариясининг таркибий қисми бўлган бадийликнинг табиати, унинг руҳий-хаётий асослари ва мезонлари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтган. “Бадийлик санъатнинг барча турларида, ана шу турларнинг ўзига хос восита ҳамда имкониятлари асосида воқеликни қайта

ижодий идрок этиш орқали акс эттирувчи, айни пайтда санъат турларининг барчасини бирлаштириб турувчи ягона умумий хусусиятдир. Бадийликсиз санъатнинг ўзи йўқ, ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, бадийлик санъатнинг барча турлари учун ягона мезон саналади. Мана шунинг учун гап санъат ҳақида кетганда, «бадий асар», «бадий образ», «бадий умумлашма», «бадий тамойил», «бадий мезон», «бадий тафаккур», «бадий қараш», «бадий таҳлил», «бадий талқин», «бадий ҳақиқат», «бадий тил», «бадий нутқ», «бадий услуб» ва ҳоказо атамаларни кўп ишлатамиз”.

«Бадий» атамаси араб тилидаги «бадъун», «бадеъа» сўзидан олинган бўлиб, нимагадир янгилик киритиш, яратиш, ижод

қилиш, ўйлаб топиш, кашф этиш каби маъноларни англатади.

Термин сифатида эса гўзаллик қонуниятлари асосида амал қилувчи санъатнинг энг бирламчи, етакчи тушунчасини билдиради. Дастлаб Иззат Султон бадийликнинг куйидаги мезонларини белгилаб берган эди:

- а) ҳаққонийлик
- б) самимийлик
- д) мазмун ва шакл мутаносиблиги
- э) мазмун ва шаклнинг тиниқлиги

ф) бадий тил

Баҳодир Саримосоқов эса бадийлик мезонларини энг аввало, мазмун ва шакл бирлиги ва уларнинг уйғунлиги, тасвир ёки ифоданинг ҳаққонийлиги, пафоснинг ҳаётлийлиги ва тиниқлиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, бетакрорлик (оригиналлик), эстетик баҳо, шартлилик микёси ва даражаси, тил бадииятида деб билади.

Дилмурод Куронов ва бошқалар томонидан тузилган “Адабиётшунослик луғати”да бадийлик қуйидагича таърифланган: “Бадийлик – ижодий-руҳий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарнинг санъатга мансублигини белгиловчи хусусиятлар мажмуи. Образлилик бадийликнинг бирламчи шarti бўлиб, у воқеликни бадий образлар орқали идрок этиш, бадий образлар воситасида фикрлаш демакдир. Образлилик санъатнинг ўзак хусусияти бўлиб, у йўқ жойда бадийлик ҳам мавжуд эмас”.

Бадийлик модулари, яъни кўринишлари қуйидагича кўрсатилган:

- а) бадий бутунлик
- б) шартлилик
- д) ўқувчига йўналтирилганлик
- э) оригиналлик
- ф) универсаллик.

Абдуғафур Расулов эса бадийлик — асарнинг руҳи, «жони», борлиги эканлигини таъкидлайди. “Мана шу РУҲ, «жон» асардаги ижтимоий муносабатларни, характерлар тўқнашувини, сиёсий қарашларни, мафкуравий-ахлоқий ҳолатларни — умуман, асарнинг макони, замонига оид маълумотларни акс эттиради. Бадийликнинг маъни-маъноси ҳам замон, муҳит, замондошлар, турлича қарашлар ҳақида кенг маълумот беришдир. Бадий асардаги «юк» — гоъвий асос

китобхонга малол келмаслиги учун нима қилиш керак? Асар фақат ва фақат бадийликка асосланиши лозим ҳолос. Бадийлик — юксак истеъдоднинг ҳосиласи, шаклланишидир. Истеъдодни кўриш, вазнини ўлчаш мумкин бўлмаганидек, бадийлик даражасини дафъатан

белгилаш, таъсир кучини аниқ ифодалаш мушкул. Бадийлик омилларидан бири — янгиланган анъанадир. Ҳар бир санъаткор ўз замони, халқи, тузумининг вакили. У ўз истеъдодини она халқи характерини, ўз замони руҳини, ижтимоий-маънавий, маданий-мафкуравий иқлимни ифодалаш орқали намоён этади.

Бадийлик замон, макон доирасида намоён бўлади,

лекин унинг фойдаси, таъсир кучи замон, маконга

тобе булмайди. Бадийлик — ҳаётнинг гўзалликка чулганган кўриниши. Ижодкор ҳаёт фожиаларини, иллатларини акс эттириши мумкин. Лекин бадийлик воқеликни ич-ичидан ёритиб турадиган гўзалликдан холи

бўлиши мумкин эмас. Бадийлик — маҳорат меваси.

Хуллас, бадийлик барча турдаги, жанрдаги асарларнинг жон робитаси, асаб — ҳаракат калаваси, миллийлик тамғаси, қилинган меҳнатнинг сифат белгиси, шавк-завкнинг туганмас қуввати”.

---

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Баранов Х.К.Арабско-русский словарь. М., 1962.
2. Д.Қуронов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.
3. Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоянинг такомил йўли // Сарчашма мавжлари (мақолалар). Ўзбекистон Ёзувчиларушмаси «Ижод» жамоат фонди. –Т.: «MASHNUR-PRESS». 2016.
4. Краткий словарь литературоведческих терминов (Составители: Тимофеев Л.И. и Тураев С.В) – М. Просвещение, 1978.
5. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007.
6. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т. 2004.
7. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т. 2004.